MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
LIMITED LIABILITY COMPANY
www.audires.com

Ижобий фикр билдирилган

# АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

**« KUCH » АЖ**

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги МЧЖ «AUDIRES» АТ» аудиторлик ташкилоти (Кукон шахар Когозгарлик 2а-уйАТБ «Капиталбанк» Кукон булими".Х/р. 20 208 000 204 353 076 001,МФО: 01087, ИНН 205224700, Оконх 84400,400-73-57 556-58-31

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш хуқуқи билан 05.04.2019 йилда берилган № 00781-сонли Лицензияси хамда Адлия Вазирлиги томонидан 10.06.2009 йилда № 268 – реестр билан руйхатга олинган гувохнома) аудитор Умматов В.В .томонидан (*Аудитор малака сертификати № 05506 28.07.2017 йилда Молия Вазирлиги томониданберилган*) хўжалик юритувчи субъект **« KUCH » акционерлик жамияти** томонидан тақдим этилган молиявий хисоботнинг"Бухгалтерия баланси Ф-1, Молиявий натижалар Ф-2, шаклларидан иборат 2021 йил 01 январидан 2021 йил 31 декабрь холатидаги молиявий хисоботнинг ишончлилигини мажбурий тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

**Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

**Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.Мен **« KUCH » акционерлик жамияти** томонидан илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдим. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Мен аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдим. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш менинг мулоҳазамнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблайман.

**Ижобий фикр**

Менинг фикримча хўжалик юритувчи субъект **« KUCH » акционерлик жамияти**нинг 2021 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

**Масъулияти чекланган жамият шаклидаги**
**«AUDIRES » аудиторлик ташкилоти раҳбари** **Умматов В.В .**

Хулоса тузилган сана 23 сентябрь 2022 йил.